

Дин ишлари бўйича қўмита раисига биринчи ўринбосар тайинланди



13:43 / 02.02.2022 2389

Махсудов Давронбек Рустамович Дин ишлари бўйича қўмита раисининг биринчи ўринбосари этиб тайинланди.

Махсудов Давронбек Рустамович 2004-2012 йиллар - Ўзбекистон Республикаси Президенти девони ходими, 2012-2018 йиллар - Тошкент ислом университети илмий котиби, магистратура бўлими бошлиғи, Исломшунослик кафедраси мудири, 2018-2020 йиллар - Ўзбекистон халқаро ислом академияси Исломшунослик ва ислом цивилизациясини ўрганиш ISESCO кафедраси мудири ҳамда ҳозирги вақтга қадар **Ўзбекистон халқаро ислом академияси биринчи проректори ва Имом Мотуридий халқаро илмий-тадқиқот маркази директори** сифатида фаолият юритиб келаётган эди.

Дин ишлари бўйича қўмита Ахборот хизмати